

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ДАКТИЛОСКОПИЯ ВА ДАКТИЛОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ АҲАМИЯТИ

Ибраимов Тимур Оразбаевич

Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги академияси
“криминалистик экспертизалар кафедраси” «эксперт-
криминалистик фаолияти» 322-гурух курсанти

Annotation: *The dissertation describes in detail the general theoretical rules of dactiloskopical examinations and the modern possibilities of research based on them. In addition, the statistical data of the expertise and research conducted in practice were analyzed and suggestions and recommendations were made on the identified problems.*

Keywords: *dactiloskopy, research, fingerprints, general sign, special sign. Identification*

Ички ишлар идораларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш буйича асосий вазифаларидан бири жиноятчиликка қарши кураш амалиётига илмий методлар ва техник воситаларни кенг жорий қилиш ҳисобланади. Ушбу метод ва воситалар орасида криминалистиканинг жиноят содир этган шахсларни аниқдаш ва қидириш тадбирларини самарали амалга ошириш имконини берадиган илғор ютуқларини муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар идоралари ходимлариниг касбий маҳоратлари ортиши, жиноятларни очишнинг такомиллашган илмий методларини ўрганишлари натижасида жиноятларни фош этиш учун излар ва бошқа ашёвий далиллар, жумладан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланадиган қўл бармоқ изларидан унумли фойдаланиши самарадорлигини янада юксалтиради.

Қўл бармоқ излари муҳим қидирув материали ҳисобланади. Ушбу излар жиноят содир этган шахслар ва гумон қилинувчиларни аниқлаш ва текширишга қаратган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга имкон яратади. Папилляр нақшларнинг аниқ ифодаланган алоҳидалиги шахсларни криминалистик идентификация қилиш (айнанлигини аниқлаш) нинг асосини ташкил этади.

Қўл бармоқ изларидан жиноятчиларни қидиришда фойдаланиш дастлабки босқичларда бир неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Бир томондан, бу ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган бармоқ изларини вилоятлар ИИБлари эксперт-криминалистик хизматларидағи ва марказлашган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ) ҳолда дактилоскопик картотекалар буйича текшириш ҳисобланади. Бошқа томондан эса, бармоқ излари муайян доирадаги шахсларнинг папилляр нақшларини

бевосита солишириш, ушбу шахслар доирасини янада торайтириш ҳамда алоҳида тоифадаги шахсларни аниқлашда вужудга келадиган версиялар (тусмолларни)ни текширишда фойдаланилиши мумкин.

Қўл бармоқ излари қай шаклда - айниятни аниқлаш, дастлабки тадқиқотлар ёки экспертизаларнинг обьектлари шаклида фойдаланилмасин, шахсларни папилляр нақшлар бўйича идентификация қилиш(айнанликни аниқлаш) нинг самарадорлигини бир хилда таъминлайдиган бир қатор қонуниятлар мавжуд.

Охирги йилларда дактилоскопияда кескин сифатий сакраш юз берди, яъни, бтр томондан, папиллр нақшларни ўрганишнинг статистик ва математик методларини амалиётга татбиқ, иккинчи томондан, бармоқ изларини кодлаш ва текшириш учун автоматлаштирилган тизимлар яратиш бўйича долзарб илмий тадқиқотлар бошланди.

Ички ишлар идораларининг экспертиза амалиётида бармоқ изларининг тадқиқ этишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Чунки ходиса содир бўлган жойда қолдирилган бармоқ ва кафт излари жиноятчининг шахсияти бўйича жуда қимматли ва кенг тарқалган маълумотлар манбай ҳисобланади. Ушбу ҳолат бармоқ ва кафт изларининг аниқ ифодаланган алоҳидалиги ва барқарорлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалимтика марказининг маълумотларига кўра, дактилоскопик экспертиза ва тадқиқотлар, эксперт-криминалимтика хизматлари томонидан ўтказиладиган жами экспертизалар ва тадқиқотларнинг деярли 60%ни ташкил қиласди.

Таъкидлаш жоизки, дактилоскопик маълумотлардан нафакт жиноятларни очиш ва тергов қилишда, балки жанговор ҳаракатлар даврида, авиаҳалокатлар ёки бошқа ҳалокатларда ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Одам қўл ва оёқ излари инсоннинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ва жиноятларнинг қуидаги шароитлари ва ҳолатларини аниқлашга имкон берадиган ахборотларни олишга таъсир кўрсатади:

- 1) Текширилаётган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахслар доирасини аниқлаш;
- 2) Маълумотлар банки ва дактилоскопик ҳисоблар ёрдамида жиноятчани аниқлаш;
- 3) Очилмаган жиноятлар субъектини аниқлаш, яъни бошқа жиноятни содир этган ва ушланган жиноятчани, илгари содир этилган жиноят жойида қолдирган изларига кўра аниқлаш;
- 4) Ҳодиса содир бўлган жойда излар қолдирган шахснинг анатомик, ёши ва бошқа функционал хусусиятларини аниқлаш;
- 5) Бир шахсни бир неча жиноятларни содир этганлаигини аниқлаш;

6) Шахсни ходиса содир бўлган жойдаги объектлар билан таъсиралишиш ҳолатини аниқлаш;

7) Жиноятчининг, ходиса содир бўлган жойдаги ҳаракатларининг мазмуни ва кетма-кетлигини аниқлаш;

8) Жиноятни содир этишда иштирок этган шахсларнинг сонини аниқлаш;

9) Шахси номаълум мурдалар ва бедарак йуқолганларнинг шахсини аниқлаш.

Юқоридаги санаб ўтилган ҳолат ва шароитларни:

- Кўл ва оёқ изларини мутахассис-криминалист иштироқида қўздан кечиришда аниқлаш мумкин;

- Кўл ва оёқ изларини эксперт томонидан тезкор тадбирлар жараёнида тадқиқот қилиўда аниқлаш мумкин.

Қонунлар ва норматив ҳужжатлар:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 1992. - 44 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т., 2001. - 768 б.

2.3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 2001 йил 21 августдаги № 229-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг оператив-қидириув фаолиятида оператив-техник воситаларни қўллашни ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мафкура. / Т. 1. - Т., 1996. - 364 б.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин./ Т.2. - Т., 1996. - 380 б.

3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. / Т. 3. - Т., 1996. - 366 б.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. / Т. 4. - Т., 1996. - 349 б.

5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. / Т. 5 - Т., 1997. - 384б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. / Т.6. - Т., 1998.- 429б.

7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. / Т. 7. - Т., 1999.

8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. / Т. 8. - Т., 2000.

9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун хар биримиз маъсулмиз. / Т. 9. - Т., 2001.
10. Каримов И.А.Хавсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак./Т.10.- Т.,2002.-416б.
11. И. А. Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мағкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчилар учун ёрдам) \ Тузувчилар: юридик фанлари докторлари, профессорлар У. Таджиханов, А. Саидов. - Т., 1999.- 573 б.

